

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК 330.43:681.3.06*

**ЖИЕМУРАТОВ ТЕМИРБАЙ ПОЛАТБАЕВИЧ**

**КОРХОНА БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(«Қорақалпоқ МТП» АЖ мисолида)

08.00.14 - «Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари»

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент - 2010



658 (0433)

№ -58

Диссертация иши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Иқтисодиёт» кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Бегалов Баходир Абдусаломович**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Жаббаров Элибой Жаббарович**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Илхомова Ёдгора Саидахмедовна**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
Академиясининг Математика ва ахборот  
технологиялари институти

Химоя 2010 йил «15» Июль соат 9:00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин

Авторсферат 2010 йил «14» Июль да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби.  
иқтисод фанлари доктори, профессор Беркинов Б.Беркинов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Республика агросаноат мажмуи корхоналари ривожланишининг ҳозирги босқичида машина-трактор парки (МТП) томонидан техник ва технологик хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш борасида тезкор қарорлар қабул қилишнинг роли борган сайин ортиб бормоқда. Фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиши жараёнлари доирасининг кенгайиши, агро-саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усулларида тўлиқ фойдаланмаслик МТПлари фаолият кўрсатишини мураккаблаштириб, хизматлар кўрсатилишида асоссиз харажатлар ҳажмининг ўсишини келтириб чиқармоқда, бу эса яқуний хизмат таннархида, демак, унинг рақобатбардошлигида ўз аксини топмоқда.

Айни пайтда республикада фермер хўжаликлари ер майдонларининг йириклашуви МТП томонидан кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш муаммоларини кўндаланг қилиб қўймоқда. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримов ўзининг жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозига бағишланган асарига "...ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда"<sup>1</sup> - деб таъкидлаши фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришни устувор вазифа қилиб қўймоқда.

Машина-трактор паркларида тезкор бошқаришнинг ахборот-таҳлилий таъминотини ташкил қилиш ва такомиллаштириш, бошқарувда математик ва инструментал усуллардан кенг фойдаланиш, МТП раҳбарияти томонидан бошқарув қарорлари қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимларини кенг жорий этишни тақозо этмоқда. Шуларни инобатга олганда Президентимиз "Бугунги кунда ҳаётимизни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобиль телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди"<sup>2</sup> - деб таъкидлаши МТПлари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан МТП томонидан хизматлар кўрсатилиши юзасидан ўз вақтида оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш қудратли воситага айланиши мумкин. МТПнинг фермер хўжаликларига техник ва технологик хизмат кўрсатиш борасида қарорлар қабул қилишнинг ахборотлар оқимидан кенг ва самарали фойдаланиш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Буларнинг барчаси диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради ва тадқиқот йўналишини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бошқарув жараёнларининг ахборот тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётнинг турли

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. Б. 22.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Б. 46.

тармоқ ва соҳаларига қўллаш муаммоларига кўплаб олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Бу борда чет эл олимларидан К.С.Лаудон, Ж.Р.Лаудон, Р.М.Стайр, Д.Белл, Ж.Стиглер, К.Эрроу, Н. Виннер, Дж. Кантер, Р.Д. Льюис, Х. Райф, М.Х. Мескон ва бошқаларни илмий ишларини келтириш мумкин.

Миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини самарали ва оптимал жорий қилиш масалаларига МХД олимларидан О.В.Голосов, А.Н.Романов, В.С.Рожнов, М.И.Семенов, И.Т.Трубин, А.И.Мишенин, С.А.Охрименко, В.В.Брага, Г.А.Титоренко ва бошқалар ўз илмий ишларида катта эътибор беришган.

Республикаимиз олимларидан В.Қ.Қобулов, С.С.Ғуломов, Т.Ф.Бекмуратов, Р.Х.Алимов, А.А.Абдуғаффаров, М.И.Ирматов, Ш.М.Комилов, Б.Ю.Ходиев, Р.А.Убайдуллаев, Б.Б.Беркинов, Т.Ш.Шодиев, Э.Ж.Жабборов, Б.А.Бегалов, Х.С.Лутфуллаев, Р.А.Дадабаева ва бошқалар иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида бошқарув жараёнларини моделлаштириш, замонавий АКТ ва тизимларидан фойдаланишнинг илмий-услубий жиҳатларини ўзларининг илмий ишларидан ёритиб беришган. Улардан, Б.А.Бегалов ўз ишларида ахборотлашган жамиятни вужудга келтириш шароитида ахборот-коммуникация бозорини шакллантириш концепциясини таклиф этган<sup>3</sup>, А.Н.Арипов илмий ишида ахборот-коммуникация технологиялари бозорини яхлит тизим сифатида кўриб чиқиб, улар асосида макроаражада бошқарув концепциясини таклиф қилган<sup>4</sup>, Д.Ш.Тошпўлатовнинг илмий тадқиқотларида, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарини ахборот билан таъминлашнинг кўп пағонали тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асосларини таклиф этган<sup>5</sup>.

Айни пайтда МТП бошқарув-хўжалик фаолияти ахборот таъминотининг илмий-услубий асослари ва уни ташкил этиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

*Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.* Диссертация иши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

*Тадқиқот мақсади* – фермер хўжаликларига техник ва технологик хизматлар кўрсатувчи машина-трактор парки бошқарувининг ахборот таъминотини ташкил этиш жараёнларини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун диссертацияда қуйидаги *вазифалар* белгилаб олинган:

- машина-трактор паркин бошқаришнинг ахборот оқимлари ва улардан фойдаланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

<sup>3</sup> Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконетриқ моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси даъвогарлигига диссертация илми. Тошкент, 2001 й.

<sup>4</sup> Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2004 й.

<sup>5</sup> Тошпўлатов Д.Ш. Қишлоқ хўжалик корхоналари ахборот таъминоти тизимининг функционал таркибини ишлаб чиқиш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.:2006

- машина-трактор парки бошқарув жараёнларидаги автоматлаштирилган ахборот тизим ва технологияларининг таркибини асослаш;

- «Қорақалпоқ МТП» акциядорлик жамияти бошқарув жараёнларида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш муаммоларини аниқлаш;

- машина-трактор парки бошқарув жараёнларининг ахборот ресурслари тизимини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган ахборотларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

- машина-трактор парки бошқарув ахборот ресурсларини оптимал ташкил қилиш бўйича корпоратив ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш механизмларини таклиф этиш;

- машина-трактор парки бошқарув жараёнларида ҳужжатлар айланишининг электрон тизимини ташкил этиш технологияларини таклиф қилиш;

- машина-трактор парклари бошқарувида автоматлаштирилган иш ўринларини ташкил этишнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

- автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб, турли хилдаги техник ва технологик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи машина-трактор парклари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб машина-трактор паркларининг бошқарув жараёнлари ва уларнинг ахборот таъминоти тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини** Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президентининг фармони, қарор ва асарлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш ва компьютерлаштириш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, «2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» Давлат дастури, машина-трактор парклари фаолияти ҳамда уларнинг бизнес-стратегиялари, иқтисодиётга ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини жорий қилишни такомиллаштиришга бағишланган чет эл ва республикамиз олимларининг илмий ишлари ташкил этади.

Илмий ишда “Ўзағромашсервис” АЖ, “Қорақалпоқ МТП” АЖ ва “Дўстлик” ММТП ҳамда даврий матбуот маълумотларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий изланиш жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, график таҳлил ва эконометрик усуллар, ахборот тизимларини лойиҳалаштириш усуллари ва замонавий дастурлаш тиллари қўлланилган.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- фермер хўжалиқларига техник ва технологик хизматлар кўрсатувчи машина-трактор парки бошқарув жараёнларининг ахборот ресурсларини оптимал ташкил этиш усуллари;

- минтақавий шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги техникалари фаолият кўрсатишининг самарадорлигини белгилаб берувчи омиллари таркиби ва

улардан фермер хўжаликларида оптимал фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ахборот таъминотини ташкил қилиш усуллари;

- машина-трактор парки техник ва технологик ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи “МТП” корпоратив ахборот тизими;

- фермер хўжаликларига машина-трактор парклари томонидан турли хилдаги хизматлар кўрсатиш борасида “МТП” корпоратив ахборот тизимларидан кенг фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методикаси.

*Ишнинг илмий янгилиги* бўлиб, фермер хўжаликларига мавсумий ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда машина-трактор парклари томонидан техник ва технологик хизматлар кўрсатишни бошқариш жараёнларининг ахборот таъминотини ташкил этишнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган, шу жумладан:

- мавсумий талаблардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларига техник ва технологик хизматлар кўрсатувчи машина-трактор паркларининг бошқарув поғоналари кесимида ахборотларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш усуллари таклиф этилган;

- ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда фермер хўжаликларига МТП томонидан турли хилдаги техник ва технологик хизматларни кўрсатиш механизмлари асосланган;

- фермер хўжаликларига ўз вақтида хизматлар кўрсатиш учун тезкор бошқарув қарорларини қабул қилинишида автоматлаштирилган ахборот тизимларидан кенг фойдаланган ҳолда МТП ахборот таъминотини ташкил этишнинг концептуал ёндашувлари ишлаб чиқилган;

- фермер хўжаликларига МТП томонидан географик зоналар кесимида оптимал техник ва технологик хизматлар кўрсатишнинг усуллари таклиф қилинган;

- машина-трактор паркларида ахборот ресурсларини қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва улар асосида бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминловчи автоматлашган иш ўринларини ташкил этишнинг технологиялари таклиф қилинган.

*Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.* Диссертацияда асосланган илмий-услубий тавсиялар ва ишланмалар фермер хўжаликларига техник ва технологик хизмат кўрсатувчи «Қорақалпоқ МТП» акциядорлик жамияти бошқарув жараёнлари ахборот таъминоти ва автоматлаштирилган иш ўринларини яратишда қўлланилади. Илмий ишнинг амалий аҳамияти фермер хўжаликларига мавсумий ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда МТПлар томонидан техник ва технологик хизматларнинг ўз вақтида кўрсатиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ахборот таъминотини ташкил қилишда кенг фойдаланиш имконияти билан белгиланади. «Қорақалпоқ МТП» акциядорлик жамиятининг ҳудудий бўлинмаларида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишда ахборот жараёнларини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Информатика ва ахборот технологиялари» ва «Иқтисодиётда ахборот тизимлари» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

*Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.* Диссертация ишининг асосий натижалари ва хулосалари «Қорақалпоқ МТП» АЖ (08.09.2009 № 05-32/302 сонли далолатнома) ва «Дўстлик ММТП» АЖ (05.06.2009 № 02-11/89 сонли далолатнома) бошқариш жараёнларига татбиқ этиш учун қабул қилинган.

*Ишининг синован ўтказилиши.* Тадқиқотнинг асосий натижалари Тошкент давлат иқтисодийёт университетида бўлиб ўтган «Ахборот-коммуникациялар технологиялари асосида таълим сифатини юксалтириш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида (Тошкент, 2006 й), Қорақалпоқ давлат университетида бўлиб ўтган «Экономиканы еркинлестириш шараятинда регион экономикасын раўажландириш машқалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида (Қорақалпоғистон, 2006 й), Тошкент давлат иқтисодийёт университетида бўлиб ўтган «Ахборотлашган жамиятнинг шаклланиб бориш тенденциялари ва истикболлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида (Тошкент, 2007 й), Қорақалпоқ давлат университетида бўлиб ўтган «Миллий экономикада басекеге ышдамлылыкты арттыриш ҳам регионаллық басқарғудың машқалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида (Нукус, 2007 й), Москва давлат иқтисодийёт, статистика ва информатика университетида бўлиб ўтган «Проблемы трансформации современной российской экономики: теория и практика организации и обеспечения управления» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясида (Москва, 2008 й), Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодийёт Академиясида бўлиб ўтган «Двадцать вторые Международные Плехановские чтения» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясида (Москва, 2009 й) муҳокама этилган ва маъқулланган. Шунингдек диссертация иши Қорақалпоқ давлат университети «Иқтисодийёт» ва «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраларининг бирлашган мажлисида, Тошкент давлат аграр университетининг «Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари» кафедрасида ҳамда Тошкент давлат иқтисодийёт университетининг 08.00.14 – «Иқтисодийётда ахборотлар тизими ва технологиялари» ихтисослиги бўйича илмий семинарида муҳокама қилиниб ҳимояга тавсия этилган.

*Натижаларнинг эълон қилинганлиги.* Диссертация мавзуси бўйича муаллиф томонидан 5 та мақола ва 7 та тезислар чоп этилган, шулардан 5 таси ОАК тасдиқлаган журналларда.

*Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.* Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми жами 156 бетдан, шундан 8 та жадвал, 43 расм ва 149 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг *кириш* қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари изоҳланган, тадқиқот объекти, предмети ва унинг услубий асослари танланган.

Диссертациянинг «*Корхона бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари*» деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кўрсатиладиган механизациялашган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда

замонавий ва юкори унумли техникани кенг қўллаш, қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматларини кўрсатиш ва уни таъмирлаш тизимини ахборот билан таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқарув жараёнларининг ахборот таъминоти, ахборот алмашув жараёнлари, бошқариш жараёнларини автоматлаштириш усуллари ва воситалари тахлил қилинган.

Диссертациянинг *«Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг ахборот таъминотини оптимал ташкил этишнинг услубий асослари»* деб номланган иккинчи бобида машина-трактор парки бошқарув жараёнларининг ахборот ресурсларини ташкил этиш усуллари, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган ахборотлар микдорини аниқлаш усуллари, машина-трактор парки техник ресурсларини бошқаришнинг корпоратив ахборот тизимидан фойдаланишларнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг *«Машина-трактор парки бошқарув жараёнларида автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш механизмлари»* деб номланган учинчи бобида машина-трактор парки бошқарув жараёнларида хужжатлар айланишининг электрон тизимини ташкил этиш технологиялари, машина-трактор паркларида автоматлашган иш ўринларини ташкил этишнинг дастурий таъминоти, автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этишдаги иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг *хулоса* қисмида тадқиқот натижалари, хулоса ва таклифлар келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлаш учун бошқарув жараёнларида ҳар лаҳзада тизимнинг ҳолати, олдинга қўйилган мақсадларга эришиш ёки эришилмаётганлик тўғрисида маълумотлар олиниши керак бўлади. Бошқарув органи бошқарув объекти тўғрисида ахборот олади, уни тахлил қилади, қарор қабул қилади ва уни яна бошқарув объектига юборади, шу тариқа, тизимда ахборот оқимлари доимий равишда ҳаракатда бўлади.

МТП бошқарувининг ахборот жараёнларида ҳам иқтисодий ахборот муҳим ўрин тутиб, унинг фаолияти юзасидан ҳисоботларни тузишда ахборотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш амалга оширилади. Бунинг техника жихатдан амалга ошириш учун ишни ташкил этишнинг тегишли шакллари, техник воситалар, маълумотларни ўзгартириш усуллари ва тегишли малакага эга бўлган ходимлар талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кўрсатиладиган механизациялашган хизматлар даражаси ва улар сифатини ошириш, қишлоқда замонавий ва юкори унумли техникаларни кенг қўллаш, қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматларини кўрсатиш ва уни таъмирлаш тизимини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Ҳозирги кунга келиб “Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан



ушбу мақсадлар учун 2008 йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, 2009 йилда 58 миллиард сўмдан ортик маблағ йўналтириш режалаштирилмокда»<sup>6</sup>, яъни МТПларни замонавий ва керакли микдорда техникалар билан таъминлаш борасида кенг амалий ишлар олиб борилмокда.

«Ўзағромашсервис» уюшмаси ўз таркибида «Қорақалпоқ МТП» АЖ 14 та туман МТПлари ва муқобил МТПларини бирлаштиради. Шулардан келиб чиқиб, диссертацияда МТПларда мавжуд техникалар таркиби, уларнинг вазифалари, хизматлар турлари ва ахборотлар окими ўрганилган. Қорақалпоғистон Республикаси туманлари МТПларида 5116 та тактор ва 7824 қишлоқ хўжалиги агрегатлари мавжуд (1-жадвал). Улар ёрдамида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига машина-трактор парклари ерни ҳайдаш ва экиндан олдин ерга ишлов бериш, бошоқли дон экинлари, шоли ва озуқа экинларини ўриб-йиғиб олиш, пахта хомашёсини машинада териш, транспорт ва бошқа турдаги механизациялашган хизматларни кўрсатиш билан шуғулланади.

1-жадвал.


**«Қорақалпоқ МТП» АЖ машина-трактор парк таркибидаги туман МТПларда мавжуд техникалар сони (2008 йил якунига кўра)<sup>7</sup>**

Туманлар	Тракторлар	Трактор уловлари	Трактор шуглари	Шу жумладан пахта сепкалари	Трактор қосилкалари	Культиваторлар	Галла экинлари сепкалари	Ўроқ машиналар	Пресс подборшниклар	Дон йиғиш қомбайнлари	МТПлар бўйича жами техникалар
Амударё	1067	580	178	224	10	370	13	0	1	18	2461
Беруний	502	382	97	103	12	176	7	2	1	9	1291
Қонликўл	283	133	56	16	15	37	33	20	13	39	645
Қораузоқ	245	82	39	11	2	46	19	5	2	23	474
Кегайли	491	211	53	63	20	177	12	3	7	14	1051
Қўнғирот	321	208	81	20	12	55	45	22	10	63	837
Мўйнак	4	12	4	0	2	1	1	0	3	4	31
Нукус	63	99	68	0	8	10	25	18	9	30	330
Тахтақўпир	125	95	48	11	8	25	14	13	10	54	403
Тўртқўл	417	293	90	106	19	165	11	10	7	19	1137
Хўжали	228	264	120	81	5	184	29	0	6	13	930
Чимбой	291	180	48	50	14	106	23	9	3	42	766
Шуманай	369	102	50	51	5	131	9	1	1	7	726
Элликқалъа	710	616	113	133	7	242	15	2	0	20	1858
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами техникалар	5116	3257	1045	869	139	1725	256	105	73	355	12940

<sup>6</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 22-б.

<sup>7</sup> «Қорақалпоқ МТП» АЖнинг йиллик ҳисоботлари асосида

МТПлар фаолият юритиши ва бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олиб диссертацияда МТП ахборот таъминоти тизимида қарорлар қабул қилиш учун ахборотлар оқимини ташкил этиш технологияси ишлаб чиқилди (1-расм). Бунда ахборотлар тизими МТПлар ривожини прогноз қилиш, унинг мақсадларига тузатишлар киритиш ва фермерларга ўз вақтида техник ва технологик хизматлар кўрсатишнинг режаларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳисоб ахборотларини, меъёрлар ва режаларни, таҳлилий ахборотларни тўплайди, қайта ишлайди ва тақдим этади.



бу ерда:  $AO_1$  – АТга ташқи муҳитдан келадиган ахборотлар оқими бўлиб, у давлат муассасалари томонидан яратиладиган норматив ҳамда фермерлар тўғрисидаги ахборотлар оқимини ўзида намоён этади;  $AO_2$  - МТПдан ташқи муҳитга ахборотлар оқими, хизмат кўрсатиш, молиявий ва маркетинг ахборотларини ўзида намоён этади;  $AO_3$  - АТдан МТПга ахборотлар оқими, бошқарув жараёнларини амалга ошириш учун режавий, норматив ва тақсимловчи ахборотлар йиғиндисини ўзида намоён этади;  $AO_4$  – МТПдан ахборотлар оқими, у бошқарув жараёнларининг амалга оширилиши натижасида бошқарув объектнинг аҳволи ҳақидаги ҳисоб ахборотларини акс эттиради.

**1- расм. МТПни бошқаришда ахборот оқимини ташкил этиш технологияси<sup>7</sup>**

«Қорақалпоқ МТП» АЖ бошқарув ходимларига ахборот хизматлари кўрсатиш тизими ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва уларни узатиш бўйича технологик функцияларни бажаради. У муайян иқтисодий объектда қабул қилинган бошқарув фаолияти усуллари ва таркиби билан белгиланган тартибда шаклланади ва фаолият кўрсатади, шунингдек «Қорақалпоқ МТП» АЖ олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширади.

<sup>7</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

«Қорақалпоқ МТП» АЖни бошқаришда коммуникация жараёнларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишини белгиловчи ахборот оқимларини таъминлашни яратишда қўйидагиларни инобатга олиш зарур:

- бирламчи (кирувчи) ва натижавий (чиқувчи) ахборот оқимларини тартибга солиш ва уларни таҳлил қилиш;

- бошқарув таъсирини шакллантириш ва узатиш;

- тесқари алоқа тизимини ташкил этиш;

- билвосита таклифлар ва бошқа ахборотларни йиғиш тизимини ташкил этиш.

Фермер хўжалиқларининг аксарияти ўз ихтиёрида зарур кишлоқ хўжалиғи техникасига эга бўлмаган шароитда ишлаб чиқариш фаолиятини юритади. Унинг самарадорлик даражаси эса кўп жиҳатдан МТП томонидан кўрсатиладиган механизациялашган хизматларнинг сифатига боғлиқ бўлади. МТПлар ўзини ўзи молиялаш ва ўз харажатларини қоплаш шароитида ишлайди. Фермерлар ўртасида ўтказилган сўровлар ҳозирги вақтда фермерларнинг асосий техник ҳамқори сифатида МТП (шу жумладан муқобил МТП) лар фаолияти етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Олиб борган тадқиқотларимиз очик акциядорлик жамиятлари ва муқобил МТПлар самарасиз ишлашининг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат эканлигини кўрсатмоқда:

- самарали менежмент ва корпоратив бошқарувнинг мавжуд эмаслиғи;

- кишлоқ хўжалиғи техникаси ҳаракати ва пул маблағлари келиб тушиши ҳисобининг бир меъёрда юритилмаслиғи ва назорат қилинмаслиғи;

- фермерлар билан хизматлар кўрсатиш учун тегишли шартномалар тузилсада, нормал шартнома муносабатлари мавжуд эмас.

- МТП бошқарув жараёнларининг ахборот таъминоти илмий ва тизимли ёндашилган ҳолда ташкил қилинмаганлиғи.

Шуларни инобатга олганда МТПларни тезқор бошқариш учун ахборотларнинг тезқорлик, ишончлилик, аниқлик ва тўлиқлик каби энг муҳим хусусиятлари билан тавсифланувчи бошқарув ахборотлари сифати ва таркибини такомиллаштириш бошқарув қарорларини амалга оширишнинг муваффақиятлигини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Юқорида келтирилган хусусиятларга эга бўлган бошқарув ахборотлари билан таъминлаш усулларининг мавжуд эмаслиғи тезқор бошқариш функциясини тўлиқ ҳажмда амалга ошириш имконини бермайди.

Тадқиқ этилаётган машина-трактор паркларида хўжалиқ ҳисобининг юритилиши тўғрисидаги бошланғич ахборотларнинг таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини кўллаш асосида тезқор ва бошқарув ҳисобини интеграциялаш хўжалиқ ҳисобини юритишда бир-бирини такрорловчи операциялар сонини камайитириш, ягона ахборот базасини яратиш, бошланғич ахборотларнинг бир марта рўйхатга олинишини таъминлаш имконини бериш билан бирга, тезқор ва бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш юзасида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг уйғунлигини таъминлайди.

Шуларни инobatга олиб Хўжайли тумани МТП таркибий бўлинмаларида бошланғич ахборотларни жойида ва у пайдо бўлган вақтда рўйхатга олиш зарурати, шунингдек таркибий бўлинмаларга келиб тушадиган бошқарув ахборотларининг кечикиши юзасидан аниқланган ҳолатлар, тезкор бошқарув ахборотларини бирлаштириш мақсадида МТПнинг ягона ахборот худудини шакллантириш заруратини белгилаб беради.

МТПда қатъий назоратни таъминлаш зарурати, йирик машина-трактор паркларида ишончли ва тезкор бошқарув ахборотларига бўлган эҳтиёжлар тезкор бошқаришни такомиллаштириш йўллариини ишлаб чиқишни талаб қилади. Бунда тезкор бошқаришнинг таркибий тузилиши учта ўзаро боғлиқ бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот-таҳлилий муҳитни таъминловчи таркибий жиҳатдан тезкор ҳисоб юритиш, режалаштириш ва назоратга асосланиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш чоғида тезкор бошқариш тизимининг бошқарув ахборотлари билан таъминланганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, МТПнинг бошқарув ходимлари учун тезкор ахборотлар келиб тушишида кечикишлар мавжуд бўлиб, бунинг натижасида хизмат кўрсатиш жараёнларини ўз вақтида назорат қилиш имкониятининг пасайиши юз беради. Шунинг учун ҳам МТПда тезкор бошқаришнинг ташкил этишда бошқарув объекти ва субъекти ўртасидаги тўғридан-тўғри ахборот алоқаларини кучайтириш асосида бошқарув ходимларини турли даражадаги ишончли ахборотлар билан таъминлаш зарур.

МТПдан фойдаланишнинг самарали тизимини танлашда ҳисобга олинishi лозим бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи кўплаб омиллар мавжуд бўлиб, улар объектив ва субъектив турларга бўлинади. Объектив омиллар булар ҳосилни етиштириш ва йиғиш билан боғлиқ технологик операцияларни бажаришда техника ишлашининг сифати ва самарадорлигини белгилаб берувчи омиллар бўлиб, уларга табиий-иклим шароитлари, ўсимликлар турлари, тупроқ таркиби, машиналарнинг технологик хусусиятлари, инсон омили, ахборотлар омили ва бошқалар киради. Қишлоқ хўжалиги экинлари узун танали ва паст бўйли, тўғри турувчи ва ётиб қолувчи, қилтикли ва қилтиксиз ва ҳоказо бўлиши мумкин. Объектив омиллар нормативларга, ёқилги материалларидан фойдаланишга ва техникага хизмат кўрсатишнинг даврийлигига нисбатан тузатиш коэффициентларига таъсир кўрсатади. Субъектив омилларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: машиналарнинг конструктив хусусиятларига таъсир кўрсатувчи омиллар; таъсир этиш даражаси нормативлар билан белгиланган омиллар; машиналарнинг конструктив хусусиятларига ва нормативларга таъсир кўрсатмайдиган омиллар.

Қишлоқ хўжалиги техникасидан самарали фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда юқорида санаб ўтилган барча омилларни ҳисобга олиш зарур, бошқарув жараёнларида улар ахборотлар ресурси сифатида иштирок этади. Ўз навбатида, ахборотларнинг ўзи қарорларни ишлаб чиқишда техникадан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади.

Ахборот таъминотини оптималлаштирмасдан туриб ахборотлардан самарали фойдаланишни ташкил этиб бўлмайди. Диссертацияда МТПда ахборот таъминотини оптималлаштириш масаласи 2-расмда келтирилган тамойиллар заминада кўриб чиқилган. МТП ахборот таъминотини оптималлаштиришга нисбатан таклиф этилаётган ёндашувларнинг асосий камчилиги қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган ахборотларни баҳолаш методикаси, шунингдек ахборот миқдорининг у ёки бу қарорнинг иқтисодий натижасига таъсирини ҳисоблаб чиқиш ёндашувларининг ишлаб чиқилмаганлигидан иборат.



2-расм. МТП ахборот таъминотини оптималлаштиришнинг асосий тамойиллари<sup>8</sup>

Мазкур ҳолатда АКТ МТПнинг ривожланишини, унинг бошқарилувчанлиги ва сифатини, хизматлар кўрсатиш харажатларининг пасайишини таъминлаши, ахборотларга ишлов бериш технологик жараёнлари эса унинг бўлинмалари ва тузилмаларининг бошқарув фаолиятини қўллаб-қувватлаши ҳамда МТПнинг ахборот оқимларини бошқаришнинг асосида бўлади.

<sup>8</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Олиб борган тадқиқотларимиз МТП ахборот тизимларида ахборотларга ишлов беришга нисбатан қуйидаги талаблар қўйилишини кўрсатмоқда:

- бошқарув функцияларини амалга ошириш учун ахборотларнинг тўлиқлиги ва етарлилиги;
- бошқарув даражасидан катъи назар ахборот ишончлилигининг зарур даражасини таъминлаш;
- ахборотларга ишлов беришнинг тежамлилиги, маълумотларга ишлов бериш харажатлари олинадиган самарадан юқори бўлмаслиги керак;
- фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган ўзгарувчан талабларига мослашувчанлиги.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг қўлланилиши ва МТП фаолиятига оптималлаштириш усулларининг жорий этилиши бошқарувнинг ахборот таъминотини ташкил этиш технологиясини ўзгартирди. Ҳозирги шароитда МТП бошқарувининг ахборот таъминоти автоматлаштирилган ахборот тизимлари ёрдамида амалга оширилиши лозим. МТП фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимларининг жорий этилиши ўзини оқлаши, яъни фойдали техник-иқтисодий, ижтимоий ёки бошқа натижаларга олиб келиши лозим. Шунини инобатга олиб илмий ишда фермерларга МТП хизматлари кўрсатишининг автоматлаштирилган ахборот тизимига асосланган технологияси ишлаб чиқилган (3-расм).



3 - расм. АҚТни қўллаган ҳолда фермерларга турли хилдаги МТП хизматларини кўрсатиш технологияси<sup>9</sup>

Ушбу тавсия этилган технология МТП томонидан фермерларга ўз вақтида хизмат кўрсатишни ташкил этиш, пул тўловларини ва шартноманинг бошқа шартлари бажарилишини назорат қилиш ва мониторингини юритишни тезкор амалга ошириш имконини беради.

Худудда фаолият юритаётган МТПлар учун корпоратив ахборот тизим-ларини яратиш катта ҳажмдаги молиявий мабағларни ва инсонлар саяъ-харакатларини

<sup>9</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

талаб қилади. Бунда интеграциялаш билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Ушбу ҳолатда интеграцияни иккита: функционал нуқтаи назардан ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотлар базасини тўлдириш нуқтаи назардан кўриб чиқиш мумкин. Тадқиқотларимиз замонавий корпоратив ахборот тизимларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатмоқда:

- МТП раҳбарияти учун қарорлар вариантларини шакллантиришнинг корпоратив тақсимлаш жараёнларини яратиш ва самарали қўллашга йўналтирилиш;


- МТП фаолиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ва башорат қилишнинг услубий таъминотини қўллашни автоматлаштирилган тарзда қўллаб-қувватлаш;

- нафақат МТП ичида, балки ташқи абонентларга чиқишда ҳам ахборот алмашуви ҳолларида маълумотларнинг ишончлилигини ва яхлитлигини таъминлаш ҳамда бошқа ахборот тизимлари билан туташилишнинг соддалиги.

Ушбу кўрсатилган хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда диссертацияда корпоратив ахборот тизимларини яратишга нисбатан ёндашувлар таклиф этилиб, бундай тизимни яратишнинг асосий тамойиллари МТП ички ва ташқи муҳитлари ҳолатининг объектив мониторингини амалга ошириш; корхона ичидаги бошқарув коммуникацияларини такомиллаштириш; мақсад ва вазифаларни яқиний истеъмолчига йўналтириш; фермерлар кейинги буюртмаларининг муддатларини прогноз қилиш имкониятини таъминлаш ва бошқарув персонелига хизмат кўрсатиш; фермерлар билан узок муддатли алоқаларни ўрнатиш; хизматлар харажатларини пасайтириш; бошқарув қарорларини қабул қилиш, ўз навбатида МТПнинг бутун бошқарув фаолиятини оптималлаштириш имконини беради.

МТПни бошқариш ахборот тизимларини интеграциялашнинг моҳияти - тизимнинг барча таркибий қисмларининг мақсадлари ва уларни баҳолаш мезонларини мувофиқлаштириш, мақсадларга эришишни таъминловчи вазифалар мажмуини ҳал этиш, ахборотларни умумлаштириш ёки уларни табақалаш, алоҳида таркибий қисмлар самараларининг оддий йиғиндисини оширувчи умумий иқтисодий самарага эришишдан иборат. Шундан келиб чиқиб диссертацияда АКТдан фойдаланган ҳолда МТП ахборот таъминотини ташкил этишнинг концептуал ёндашуви ишлаб чиқилди (4-расм).

МТП фаолияти учун бошқарув ахборотларининг тезкор йиғилишини таъминловчи «МТП» автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) ишлаб чиқилди. У ўзаро ҳамкорлик қилувчи турли кичик тизимларга асосланган иккита дастурий модулни ўзида намён этади. Тизим шундай тарзда ишлаб чиқилганки, у маълумотлар билан алмашиш учун жуда кам сонли операцияларни талаб қилади. Сервер автоматик режимда ишлайди, бу эса куннинг исталган вақтида ходимлар ёрдамисиз маълумотлар билан алмашиш операцияларини амалга ошириш имконини беради, бу қишлоқ хўжалиги ишларини сменали бажариш даврида жуда муҳим ҳисобланади.



4 - расм. АКТдан фойдаланган ҳолда МТП ахборот таъминотини ташкил этишнинг концептуал чизмаси<sup>10</sup>


МТП бошқарув фаолиятининг компьютерлаштирилиши автоматлаштирилган иш ўринларини (АИЎ) яратишда катта самара беради. Шахсий компьютерлар МТП раҳбар ва мутахассисларининг автоматлаштирилган иш ўринларини яратишнинг асосини ташкил қилади. Улар функционал, жисмоний ва эргономик жиҳатдан муайян фойдаланувчи ёки фойдаланувчилар гуруҳига мўлжалланади.

МТП томонидан ўз вақтида техник ва технологик хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган меъерий-маълумот кўринишидаги ва тезкор ахборотларни ўзида мужассам этган маълумотлар базалари АИЎнинг ахборот таъминоти ҳисобланади.

<sup>10</sup> Талқикот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



Ишлаб чиқилган ва МТП фаолиятида самарали фойдаланилаётган “МТП” автоматлаштирилган ахборот тизими раҳбарият учун турли хилдаги натижавий ҳисоботларни шакллантиради. Олинган натижавий ҳисоботлар асосида МТП раҳбарияти тезкор ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишлари мумкин бўлади. Тавсия этилган алгоритмлар асосида тумандаги фермерлар ерлари зоналарга ажратилиб, уларга оптимал хизмат кўрсатиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими ўзининг таклифларини беради (5 - расм).



5 – расм. Олинган натижавий ҳисоботлар шакллари<sup>11</sup>

Автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва бошқарув объектларида жорий қилишдан асосий мақсад бу меҳнат унумдорлигини юксалтириш, сифатини ошириш ва иқтисодий самарадорликни олишдан иборатдир.

Маълум бир бошқарув объекти учун ААТ лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш катта миқдордаги молиявий маблағларни жалб қилишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ААТ МТПлари фаолиятида кенг қўламда самарали қўллаш масаласи ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Шунининг олган ҳолда илмий ишда ААТ лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган.

ААТ жорий қилиш бўйича харажатларни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$X^A = X^A_x + X^A_K - 4O^A_k, \quad (1)$$

<sup>11</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

бу ерда  $X_x^A$  – ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўмда (ушбу МТП учун ААТни лойиҳасини ишлаб чиқишга қилинган бир маротабалик харажатлар миқдори);  $X_k^A$  – ААТнинг дастурий махсулотини сотиб олиш, ҳисоблаш техникаси, периферия воситалари, алоқа каналлари ва қўшимча орттехникани сотиб олиш бўйича қилинган капитал қўйилмалар, минг сўмда;  $\Delta O_x^A$  – ААТ фаолият кўрсатиши мобайнида айланма маблағлари миқдорининг камайиши, минг сўмда.

ААТ жорий қилиниши натижасида олинадиган иқтисодий самарадорлик тизимни тадбиқ қилиш бўйича қилинадиган капитал қўйилмалар ҳажми билан белгиланиб, у вақт омилини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Вақт омили ААТ фаолиятини таъминлаш бўйича бўладиган харажатларни ҳисоблашда ҳам эътиборга олинади.

Фойда миқдорининг йиллик ўсиши қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\Phi^A = [(C_1 - C_2) : 100] \cdot A \quad (2)$$

бу ерда  $A$  – МТП томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг йиллик миқдори, минг сўмда;  $C_1, C_2$  – ААТ жорий қилингандан олдин ва кейин кўрсатилаётган хизматларнинг бир сўмига кетаётган харажатлар, сўмда.

МТП томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг таннархини ( $C^A$ ) ААТ фаолият кўрсатадиган шароитда қуйидагича аниқланади:

$$C^A = C_M^A + C_T^A + C_{ИХ}^A + C_{КИХ}^A + C_{КХХ}^A + C_{ИХХ}^A + C_{ИЧХ}^A \quad (3)$$

бу ерда  $C_M^A$  – турли хилдаги материал ва хом-ашёлар;  $C_T^A$  – технологик жараёнларни амалга оширишда керак бўлган ёқилғи ва энергия миқдори;  $C_{ИХ}^A$  – ишчиларга бериладиган ойлик иш ҳақи;  $C_{КИХ}^A$  – ишчиларга бериладиган қўшимча иш ҳақи;  $C_{КХХ}^A$  – МТП техникаси томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича қилинган харажатлар миқдори;  $C_{ИХХ}^A$  – МТП техникасини иш ҳолатига келтириш учун қилинган харажатлар миқдори;  $C_{ИЧХ}^A$  – турли ишлаб чиқариш харажатлари.

ААТ татбиқ этилганидан сўнг сифатсиз (ўз вақтида бўлмаган) хизматлар кўрсатиш қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C_{cx}^A = C_{cx} * [1 + (\gamma - 1) * \beta_{cx}] - \Delta C_{cx}^A \quad (4)$$

бу ерда  $C_{cx}$  – ААТ жорий қилингунига қадар сифатсиз хизматларни йўқотиш минг сўмда;  $\beta_{cx}$  – сифатсиз хизматлар ҳисобидан вақтни йўқотишлар коэффицентги;  $\Delta C_{cx}^A$  – ААТ жорий қилинганидан сўнг сифатсиз хизматлар кўрсатиши йўқотишларнинг қисқариши, минг сўм.

ААТ жорий қилиш натижасида кўрсатилаётган хизматлар таннархининг ўзгариши натижасида умумий тежамкорликни аниқлаш кўрсатилаётган хизматларга кетадиган харажатларнинг ААТ жорий қилинишигача ва ундан кейингисининг фарқини умумий хизматлар ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$C_1 = (C : A_1) \cdot 100; \quad C_2 = (C^A : A_2) \cdot 100 \quad (5)$$

бу ерда  $C$  – ААТ жорий этилгунга қадар йиллик кўрсатилган хизматларнинг таннархи, минг сўмда;  $C^A$  – ААТ жорий этилгандан кейинги даврда йиллик кўрсатилган хизматларнинг таннархи, минг сўмда;  $A_1$  – МТП томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ААТ жорий этилгунга қадар йиллик миқдори, минг сўмда;  $A_2$  – МТП томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ААТ жорий этилгандан кейинги даврда йиллик миқдори, минг сўмда.

Шундай қилиб МТП ахборот таъминотини шакллантириш ва автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда бошқарув объектларида жорий қилишдан асосий мақсад, бу меҳнат унумдорлигини ва уни сифатини ҳамда иқтисодий самарадорликни оширишдан иборатдир. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг МТПлар бошқарув жараёнларига кенг жорий этилиши унинг барча бошқарув поғоналарини ахборот таъминоти билан юқори даражада таъминланишига олиб келади. Бу эса фермер хўжаликларига ўз вақтида натижалли техник ва технологик сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини яратади.

## ХУЛОСА

1. Олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликлари фаолиятини самарали йўлга қўйишда машина-трактор парклари катта роль ўйнамоқда. Улар томонидан фермер хўжаликларига мавсумий ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда техник ва технологик хизмат кўрсатишда ахборот жараёнларини тизимли ёндашган ҳолда ташкил қилишни талаб қилмоқда.

2. Туманларда жойлашган МТПлар бошқарув жараёнларини оптимал йўлга қўйишда автоматлаштирилган ахборот тизимлари таркибини тўғри ташкил қилиш ва унинг негизида ахборот таъминотини самарали лойиҳалаштириш мумкин бўлади. МТП бошқарув поғоналарининг ахборотларга бўлган эҳтиёжлари таҳлил қилинди. Ушбу ёндашувларни кенг йўлга қўйиш меҳнат унумдорлигини юксалтиришга, ўз вақтида МТП томонидан хизматлар кўрсатиш, ҳосилни тезкор йиғиб олиш, тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун замин яратмоқда.

3. Олиб борган тадқиқотларимиз МТП бошқарув жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бир қатор муаммоларни, жумладан, МТПда хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг самарали ички корпоратив бошқарув механизмларнинг мавжуд эмаслиги, тегишли қарорлар қабул қилишда ахборотлар оқимидан тўғри фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда.

4. Фермер хўжаликларига МТП томонидан хизматлар кўрсатиш борасида ахборот ресурсларини ташкил этишнинг усул ва технологиялари таклиф қилинди. Минтақавий шароитларга мослашган МТП техникаси фаолият кўрсатишининг самарадорлигини белгилаб берувчи омиллари таркиби, яъни табиий-иклим шароитлари, ўсимликлар хусусиятлари, тупроқ таркиби, техниканинг

конструктив хусусиятлари, техниканинг технологик хусусиятлари, инсон омили, ахборот омили, йўл омили кабилар аниқланди. Бу борада МТП хизматидан самарали фойдаланишни ташкил этишда зарур ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш жараёнларининг оптимал технологияси ишлаб чиқилди ва тавсия этилди.

5. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида МТПдаги мавжуд барча техникалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган ахборотлар миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди. Унда вақт мобайнида МТП техникасидан фойдаланиш самарадорлиги, техникадан кунлик фойдаланиш унумдорлиги, техникадан фойдаланишнинг бир йиллик унумдорлиги, МТП таркибини оптималлаштириш жиҳатлари ўз аксини топган. Оптимал хизматлар кўрсатиш мақсадида Хўжайли туманидаги “Дўстлик” МТП хизмат кўрсатадиган фермер хўжалиklarининг зоналар бўйича тақсимои мезонлари таклиф қилинди.

6. МТП ресурсларини самарали бошқариш мақсадида корпоратив ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишни ташкил қилишнинг усул ва технологиялари ишлаб чиқилди.

7. Тадқиқотларимиз натижасида МТПда хужжатлар айланишининг электрон тизимини ташкил этишнинг технологиялари таклиф қилинди. Корхонада иш юритиш ва хужжатлар айланишини бошқариш тизимларининг функционал таркиби аниқланди. МТП доирасида электрон хужжатлар айланишини бошқариш тизимларининг рақобат жиҳатдан устунликларини таъминлаши асосланди.

8. МТП томонидан фермерларга мавсумий ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда оптимал ва самарали хизмат кўрсатиш мақсадида “МТП” автоматлаштирилган ахборот тизими лойиҳалаштирилди, ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Унда кишлоқ хўжалик техникаларининг асоссиз бўш туриб қолиш муддатлари 20-25 % камаяди, фермер хўжалиklarига ўз вақтида МТП томонидан хизматлар кўрсатиш технологиялари йўлга қўйилади ва МТП тракторчиларининг меҳнат унумдорлиги 9-12 % ортади. Ушбу автоматлаштирилган ахборот тизими асосида ажратилган зоналар кесимида фермерларга МТП томонидан техник ва технологик хизмат кўрсатиш тизимли ва илмий асосда йўлга қўйилди.

9. Фойдаланилаётган автоматлаштирилган ахборот тизимларидан олиниши мумкин бўлган иқтисодий самарадорликни ҳисоблашнинг усуллари таклиф қилинди. Улар асосида қилинаётган харажатлар миқдорини, фойда миқдорининг йиллик ўсишини, капитал қўйилмаларнинг ўзини қоплаш муддати ва иқтисодий самарадорлик коэффициентини, автоматлаштирилган ахборот тизими фаолияти давомида МТП томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг таннархини аниқлаш мумкин бўлади.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙЎХАТИ

1. Жиемуратов Т., Кудратов С. Информационные технологии - на службе государства. // «Ахборот-коммуникациялар технологиялари асосида таълим сифатини юксалтириш» мавзусидаги республика илмий амалий анжуманининг маърузалар тўплами. -Т.:ТДИУ, 2006, - Б. 84.
2. Жиемуратов.Т. Особенности анализа виртуального управления предприятием. // «Иқтисодийёт ва таълим» журнали. – Тошкент, 2007 - № 4, – С.31.
3. Жиемуратов Т. Узокни кўра билмаслик. // Солик туловчининг журнали. – Тошкент, 2007 - № 12, - Б.34.
4. Жиемуратов Т.П., Кудайбергенов. А.Ш. Основные тенденции развития информационно-коммуникационных технологий и их влияние на эффективную деятельность предприятий. // Журнал Вестник Каракалпакского отделения Академи Наук Республики Узбекистан, 2007- № 3, – С.50.
5. Жиемуратов Т. Информационная инфраструктура организации. // «Ахборотлашган жамиятнинг шаклланиб бориш тенденциялари ва истикболлари» мавзусидаги республика илмий амалий анжуманининг маърузалар тўплами. - Т.:ТДИУ, 2007, - Б.69.
6. Жиемуратов Т., Кудайбергенов А. Информационно-коммуникационные технологии в повышении качества образования. // «Білім және ғылым - бәсекеге қабілетті Қазақстан құру жолында» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманининг маърузалар тўплами. – Қозоқстон. Ақтобе, 2007, - Б.174-176.
7. Жиемуратов Т., Кудайбергенов А. Менеджмент внедрения информационных технологий в систему управления предприятием. // «Миллий экономикада бәсекеге шыдамлылықты арттырыу хәм регионаллық басқарыудың машқалалары» мавзусидаги республика илмий амалий анжуманининг маърузалар тўплами. - Нукус.: ҚДУ, 2007, - Б.21.
8. Жиемуратов Т., Кудайбергенов А. Структура и классификация современных информационно-коммуникационных технологий. // Международная научно-практическая конференция, посвященная 15-летию юбилею университета «Дуние». - Ақтобе (Казахстан), 2007, - Б. 176-180.
9. Жиемуратов Т. Технология организации информационных процессов в управлении. // «Проблемы трансформации современной российской экономики: теория и практика организации и обеспечения управления» сборник трудов VII Международного научно-практического семинара. Московский государственный университет экономики, статистики и информатики.–Москва 2008,- С. 134.
10. Жиемуратов Т. «Каракалпак МТП» : автоматизация процессов управления. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали.–Тошкент, 2009- № 4, - Б. 29.
11. Жиемуратов Т. Проблемы организации информационных ресурсов машинно-тракторного парка. // Двадцать вторые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. – Выездная сессия в г.Ташкенте. – М.: ГОУ ВПО «РЭА им Г.В.Плеханова», 2009, - С. 556.
- 12.Жиемуратов.Т. Шакаров А.Б. Проблемы комплексного использования методов и средств автоматизации процессов управления. // Журнал «Вопросы экономических наук». –Москва, 2009 - № 3, – С.143-149.

Иктисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Темирбай Полатбаевич Жиемуратовнинг 08.00.14 - «Иктисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари» ихтисослиги бўйича «**Қорхона бошқарув жараёнлари ахборот таъминотини ташкил этишни такомиллаштириш** («Қорақалпоқ МТП» АЖ мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** машина-трактор парки, ахборот таъминоти, бошқарув жараёни, корпоратив ахборот тизими, қишлоқ хўжалиги техникаси, ахборот жараёнлари, ахборот оқими, электрон ҳужжатлар айланиши, қарор қабул қилиш, автоматлаштирилган ахборот тизимлари.

**Тадқиқот объектлари:** фермер хўжалиқларига техник ва технологик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи машина-трактор паркларининг ташкилий-иктисодий тузилмаси.

**Ишнинг мақсади:** фермер хўжалиқларига техник ва технологик хизматлар кўрсатувчи машина-трактор парки бошқарувининг ахборот таъминотини ташкил этиш жараёнларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот усули:** ушбу ишда иктисодий-статистик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, график таҳлил, эконометрик усуллар ва компьютер амалий дастурлари пакети қўлланилган.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** машина-трактор паркларининг бошқарув поғоналари кесимида ахборотларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш усуллари таклиф этилган; фермер хўжалиқларига машина-трактор парклари томонидан кўрсатилаётган хизматларининг самарасиз механизмлари аниқланган; ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда фермерларга турли хилдаги МТП хизматларини кўрсатиш технологияси асосланган; автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда МТП ахборот таъминотини ташкил этишнинг концептуал схемаси ишлаб чиқилган; фермер хўжалиқларига МТП томонидан зоналар кесимида оптимал техник хизматлар кўрсатишнинг усуллари таклиф қилинган; «Қорақалпоқ МТП» акциядорлик жамияти бошқарув жараёнларининг ахборот таъминотидан фойдаланишнинг автоматлаштирилган усуллари ва воситалари таклиф этилган; машина-трактор парклари ахборот ресурсларини қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун узагишни таъминловчи автоматлаштирилган иш ўринларини ташкил этишнинг технологиялари таклиф қилинган.

**Амалий аҳамияти:** қишлоқ хўжалигида техник ва технологик хизмат кўрсатувчи «Қорқалпоқ МТП» акциядорлик жамияти бошқарув жараёнлари ахборот таъминотининг автоматлаштирилган иш ўринларини яратиш ва амалий лойиҳаларини ишлаб чиқишда қўлланилади.

**Татбиқ этиш даражаси ва иктисодий самарадорлиги:** олинган илмий натижаларни турли машина-трактор парклар бошқарувида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Диссертация тадқиқотлари натижалари «Қорақалпоқ МТП» акциядорлик жамиятини бошқариш жараёнларига татбиқ этилган.

**Қўлланиш соҳаси:** машина-трактор парклари ахборот таъминотининг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишда.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Т.П.Жиемуратова на тему: «Совершенствование организации информационного обеспечения процессов управления предприятием (на примере АО «Каракалпак МТП»)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.14 - «Информационные системы и технологии в экономике»

**Ключевые слова:** машинно-тракторный парк, информационное обеспечение, управленческий процесс, корпоративная-информационная система, сельскохозяйственная техника, информационный процесс, информационный поток, электронный документооборот, принятие решений, автоматизированные информационные системы.

**Объект исследования:** организационно-экономический состав машинно-тракторных парков, которые оказывают технические и технологические услуги фермерским хозяйствам.

**Цель работы:** совершенствование организации информационного обеспечения процессов управления машинно-тракторных парков, которые оказывают технические и технологические услуги фермерским хозяйствам

**Метод исследования:** в работе использованы методы экономико-статистического анализа, группировка статистических данных, эконометрические методы и пакеты прикладных программ персональных компьютеров.

**Полученные результаты и их новизна:** предложены методы определения объема информации на соответствующих уровнях управления машинно-тракторным парком; определены неэффективные механизмы оказания услуг со стороны машинно-тракторных парков фермерским хозяйствам; основаны технологии оптимального оказания различных технических и технологических услуг МТП фермерским хозяйствам используя информационно-коммуникационные технологии; разработана концептуальная схема организации информационного обеспечения МТП на основе автоматизированных информационных систем; предложены методы оптимального оказания услуг МТП фермерским хозяйствам в разрезе географических зон; разработаны принципы эффективного использования информационных ресурсов по уровням управления АО «Каракалпак МТП»; предложены технологии организации автоматизированных рабочих мест в машинно-тракторных парках.

**Практическая значимость:** предложенные подходы организации информационного обеспечения целесообразно использовать в организации автоматизированных рабочих мест в МТП, а также при разработке их проектов.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** полученные научные результаты целесообразно использовать в управление МТП. Результаты данной диссертации используются в управленческих процессах АО «Каракалпак МТП».

**Область применения:** в разработке автоматизированных систем информационного обеспечения машинно-тракторного парка.

## RESUME

Thesis T.P. Jiemuratova on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in economic sciences, specialty 08.00.14 – «Information systems and technologies in economy» on the subject «**Perfection of information provision process organization in business operation**»

**Key words:** agricultural machinery park, information provision, management progress, corporative system, agricultural machinery, information process, information stream, electronic document management (EDM), decision making, computer-based information system.

**Subject of the inquiry:** economic-organizing structure of machine and tractor trains (fleets), which provide technical and technological services to farms.

**Aim of the inquiry:** perfection of optimal organization for information provision of management processes of machine and tractor trains (fleets), which provide effective technical services to farms.

**Method of inquiry:** in this work the methods of economical and statistical analysis, grouping of statistical data, econometric methods and application packages of personal computers are used

**The results achieved and their novelty:** the methods of identifying the information volume in appropriate levels of machine and tractor train (fleet) management are advised; the inefficient mechanisms of service provisions by machine and tractor chains (fleets) to farms are identified; the technology of optimal technical service provisions by machine and tractor chains (fleets) to farms by using ICT are recommended; the conceptual scheme of organization of informative provision for machine and tractor chains (fleets) based on computer-based information system is developed; the methods of optimal service provision by machine and tractor chains (fleets) to farms in zone section are advised; the principles of effective use of management by levels of automated methods and means of information processes are developed; the technology of workstation in machine and

**Practical value:** proposed approach of organization of information provision is advisable to use in the development of workstations in machine and tractor chains (fleets), and also in carrying out their projects.

**Degree of embed and economic affectivity:** the achieved results are advisable to use in management of machine and tractor chains (fleets). The results of this dissertation are used in management process of joint-stock company “Каракалпак МТТ”.

**Sphere of usage:** the recommended guidance and approaches of information provision perfection may be used in the activity of enterprises, which are providing technical and technological services to farms.